

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



"СУҒУРТА ИШИ" КАФЕДРАСИ

**"СУҒУРТА ИШИ"
фанидан**

КЕЙС СТАДИ ТОПШИРИҚЛАРИ

ТОШКЕНТ-2014

КЕЙС СТАДИ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Биринчи қарздорнинг кредитдан фойдаланиш муддати 3 ой, барча кредитларни суғурталайди. Суғурталовчи қарздорнинг молиявий ахволини инобатга олган холда камайтирилган коэффицент қўллайди-0,8. Иккинчи қарздорнинг кредитдан фойдаланиш муддати 9 ой, баъзи кредитларини суғурталайди. Суғурталовчи қарздорнинг молиявий ахволини ва заиф тўлов қобилиятини инобатга олган холда кўпайтирилган тариф қўллайди-2,2. Норматив тариф ставкалар суғурта суммасидан-1,2% ва 2,6%.

Кредитни қайтарилмаслик rischi бўйича тариф ставкаларини топинг.

2. Биринчи қарздор 150 млн.сўм миқдорида бир йилга кредит олди. Кредит йиллик 42%. Суғурта шартномаси муддати 8 ой. Суғурталовчининг максимал жавобгарлиги 85%. Йиллик тариф ставка 2,1%.

Кредитни қайтарилмаслик rischi бўйича суғурта мукофотларини топинг.

3. Иккинчи қарздор 250 млн.сўм миқдорида бир ярим йилга кредит олди. Кредит йиллик 48%. Суғурта шартномаси муддати 10 ой. Суғурталовчининг максимал жавобгарлиги 95%. Йиллик тариф ставка 2,1%.

Кредитни қайтарилмаслик rischi бўйича суғурта мукофотларини топинг.

4. Объектнинг ҳақиқий нархи 15 млн.сўм, суғурта суммаси 3,5 млн.сўм, объектнинг суғурта ходисаси натижасида кўрган зарари 7,5млн.сўм.

Нисбий жавобгарлик тизими бўйича суғурта қопламаси суммасини топинг.

5. Биринчи риск системаси бўйича автотранспорт 60 млн.сўмга суғурталанган. Автотранспортнинг ҳақиқий нархи 90 млн.сўм. Суғурта ходисаси натижасида автотранспорт 80 млн.сўм миқдорида зарар кўрди.

Биринчи риск системаси бўйича суғурта қоламаси суммасини топинг.

6. Биринчи риск системаси бўйича автотранспорт 50 млн.сўмга суғурталанган. Автотранспортнинг ҳақиқий нарҳи 70 млн.сўм. Суғурта ходисаси натижасида автотранспорт 34 млн.сўм миқдорида зарар кўрди.

Биринчи риск системаси бўйича суғурта қоламаси суммасини топинг.

7. Шоли ҳосилдорлиги охириги беш йиллик ҳосилдорликни инобатга олган ҳолда 1 га ердан 14 ц ҳосил олиш учун суғурталанган. Суғурта ташкилотининг максимал жавобгарлиги 70%. Шоли 500 га ерга экилган. Ҳақиқий ҳосилдорлик 1 га ердан 12,8 ц ни ташкил этди. Шолининг сотиб олиш нарҳи 1ц га 170 сўм.

Суғурталовчининг зарар миқдорини ва чегаравий жавобгарлик тизими бўйича суғурта қоламаси миқдорини топинг.

8. Карам ҳосилдорлиги чегаравий жавобгарлик тизими бўйича 1 га ердан 3 минг сўмлик ҳосил олиш учун суғурталанган. Суғурта ташкилотининг максимал жавобгарлиги 70%. Карам 400 га ерга экилган. Ҳақиқий ҳосил нарҳи 1 га ердан 2,4 минг сўмни ташкил этди.

Суғурталовчининг зарар миқдорини ва чегаравий жавобгарлик тизими бўйича суғурта қоламаси миқдорини топинг.

9. Хўжалик субъекти ўз мол-мулкини бузиб кириб ўғирлик қилишдан 150 млн.сўмга бир йилга суғурта қилди. Суғурта тариф ставкаси суғурта суммасидан 0,3%. Суғурта шарномаси бўйича 2 млн.сўм миқдорида шартсиз франшиза белгиланган, франшиза белгиланганлиги сабабли 4% миқдорида тарифга чегирма қўлланилган. Суғурталовчининг зарари 8,5млн.сўмга тенг.

Суғурта мукофоти суммаси ва суғурта қоламаси суммасини топинг.

10. Хўжалик субъекти ўз мол-мулкини бузиб кириб ўғирлик қилишдан 600 млн.сўмга бир йилга суғурта қилди. Суғурта тариф ставкаси суғурта суммасидан 0,3%. Суғурта шарномаси бўйича 1% миқдорида шартли

франшиза белгиланган, франшиза белгиланганлиги сабабли 2% миқдорида тарифга чегирма қўлланилган. Суғурталовчининг зарари 3 млн.сўмга тенг.

Суғурта мукофоти суммаси ва суғурта қопламаси суммасини топинг.

11. Хўжалик субъекти ўз мол-мулкини бузиб кириб ўғирлик қилишдан 800 млн.сўмга бир йилга суғурта қилди. Суғурта тариф ставкаси суғурта суммасидан 0,3%. Суғурта шарномаси бўйича 1% миқдорида шартли франшиза белгиланган, франшиза белгиланганлиги сабабли 2% миқдорида тарифга чегирма қўлланилган. Суғурталовчининг зарари 12,5 млн.сўмга тенг.

Суғурта мукофоти суммаси ва суғурта қопламаси суммасини топинг.

12. Суғурталанган объектнинг қиймати 8,400 сум, суғурта суммаси 3,360 сўм, шикастланиш натижасида кўрилган зарар 4,840 сўм.

Суғурта таъминлаш тизимининг нисбий жавобгарлиги қоидаларига асосан суғурта қопламасини ҳисобланг.

13. Объект 18 000 сўмга баҳоланган, унинг 80% суғурталанган, зарар миқдори 6 200 сўм.

Нисбий жавобгарлик тизими асосида суғурта қопламасини ҳисобланг.

14. Автомобил биринчи таваккалчилик тизими асосида 75 000 сўмга суғурталанган, унинг ҳақиқий баҳоси 89 000 сўм, суғурталанувчи 32 000 сўм миқдорида зарар кўрган.

Биринчи ва иккинчи таваккал миқдорини белгиланг.

15. Уй жихозлари 90 000 сўм миқдорида суғурталанган. Ёнғин натижасида уй анжомларига 120 000 сўм миқдорида зарар етган.

Биринчи ва иккинчи таваккал таъминоти қандай миқдорларда ҳисобланади.

16. Объектнинг баҳоси 30 000 сўм, суғурта суммаси 12 000 сўм. Объект 100% зараланган.

Суғурта қопламасининг биринчи ва иккинчи таваккал ҳамда нисбий миқдорини аниқланг.

17. 3 йиллик ўртача ҳосил ернингҳар гектаридан 32 центнер, табиий офат натижасида бу йилги ҳақиқий ҳосил гектаридан 27 центнер. Бир гектар ердан терилган пахтанинг сотиш баҳоси 50 000 сўм, умумий экин майдони 300 га. Суғурта қопламаси умумий зарарнинг 70% миқдорини ташкил қилади.

Чегараланган жавобгарлик тизими асосида етказилган зарар миқдорини аниқланг.